


Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Шеробод тумани Кенгашининг фермер ва дехқонлар ҳамда томорқа ер эгаларига мурожаати



Ҳурматли ҳудудий кенгаш раислари!

Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига сифатли кафолатланган тут, ток ва бошқа қўчатлар билан таъминлаш юзасидан маълумотлар бериб боринг.

Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қўчатлар харид қилиш бўйича Кенгаш ҳузуридаги Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар бериш бўйича тушунтириш ишларини ташкил қилингизлар!

Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда дарахтларни парваришлаш, суғориш, зааркунандалардан ҳимоя қилиш борасида тизим яратиш бўйича ишларни ташкил этишда фаол иштирок этинг;

Кўчатларни етказиб бериш ва нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Кенгаш ҳузуридаги “Қува томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий амалий маркази”да етиштирилган ток, тут ва бошқа мевали дарахт қўчатларини фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тизимли етказиб бериш бўйича ҳар бир туман марказларида қўчат сотиш ярмаркалари ва савдо расталарини ташкил этинг.

Ҳурматли ва азиз фермерлар, дехқонлар ҳамда томорқа ер эгалари!

Сизларни ҳурматли Ўртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик”да фаол иштирок этиб тут, ток ва бошқа дарахт қўчатлари экишга чақирамиз!

Бу билан сиз халқимизга хос эзгу фазилатларга ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшган бўласиз! Зоро, нафақат ҳовли ва уйларимиз мана шу, маҳалла, шаҳар ва мана шу ватан ҳам ўзимизники. Унинг озодалиги ва кўркамлигига барчамиз масъулмиз.

Ватанимиз ободлигига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Ўзбекистон фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Сурхондарё вилояти Шеробод тумани кенгаши